



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - Avgust

717к -son

Bog‘ot shaharchasi

Фукаро Юсупов Баходир
Абдиримовичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Усталар” маҳалласида яшовчи фукаро Юсупов Баходир Абдиримовичнинг “Усталар” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 13 февралдаги ШЯ-Ю-540-сонли аризасини, “Усталар” маҳалласи фукаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 11 февралдаги 375-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фукаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Усталар” маҳалласида жойлашган 7 (етти)та хонадан иборат, яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 112,32 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 88,63 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 200,95 квадрат метр, қурилиш ости майдони 261,95 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фукаро Юсупов Баходир Абдиримовичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фукаро Юсупов Баходир Абдиримовичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳукуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Юсупов Баходир Абдиримовичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев